

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.ҮУ.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ФАЗИЛОВ ИКРАМ ЮСУПОВИЧ

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЖИНОЯТ
ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи
(юримдик фанлар)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2016

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Фазилов Икрам Юсупович

Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий
ва криминалогик жиҳатлари 3

Фазилов Икрам Юсупович

Уголовно-правовые и криминалогические аспекты
противодействия торговле людьми 35

Fazilov Ikram Yusupovich

Penal and criminological aspects of
counteraction to human trafficking..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 96

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.YU.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ФАЗИЛОВ ИКРАМ ЮСУПОВИЧ

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЖИНОЯТ ХУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи
(юридик фанлар)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2016

3

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳ14 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) бир марталик илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://www.dba.uz/uz/content/14072016yu3001-rakamli-ilmiy-kengash>) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Исмаилов Исамиддин

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович

юридик фанлар доктори, профессор

Бердиев Шоназар

юридик фанлар доктори

Саттаров Абдуғафур Хамидович

юридик фанлар доктори

**Ётақчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув
курслари**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Ҳ.30.01 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2016 йил 28 ноябрь куни соат 14.00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2016 йил 12 ноябрь куни тарқатилди.
(2016 йил 12 ноябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

Г.Р. Маликова

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир
марталик илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., доцент

Ж.А. Неъматов

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир
марталик илмий кенгаш котиби, ю.ф.д.

Ж.А. Неъматов

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир
марталик илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари, ю.ф.д.

4

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз, ноқонуний миграция жараёнларининг кучайиши, давлатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовут, ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши, «оммавий маданият» таъсирининг ортиши, трансмиллий жиноий ташкилотларнинг фаоллашуви натижасида одам савдосининг кўлами кенгайиб, инсоният тараққиёти ва хавфсизлигига таҳдид солаётганлиги боис, унга қарши курашнинг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш объектив заруриятга айланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашнинг ўзига хос миллий тизими яратилди. Жумладан, миллий қонунчилик нормалари такомиллаштирилиб, одам савдосига қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялар, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика

реабилитация маркази, ички ишлар органлари таркибида одам савдосига қарши курашиш ва унинг профилактикасига оид тузилмалар ташкил этилди. Бунинг натижасида мамлакатимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг кескин камайишига эришилди.

Дунёда одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш сингари одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жавобгарликни дифференциация қилиш, жазони индивидуаллаштириш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, жиноятни фожиа этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш, мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, етказилган зарарни ундириш, жиноят профилактикаси механизмлари, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (2008), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги (2008) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш,

5

инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, New York University, Rutgers University, Stanford University, University of Minnesota, University of California, Columbia University (USA), University of New South Wales (Australia), University of Oxford, University of Cambridge (England), Universität Leipzig (Germany), International Institute of Social Studies (Netherlands), European Institute for Crime Prevention and Control (Finland), Université Panthéon-Assas (France), University of Gothenburg, Uppsala University (Sweden), Москва давлат юридик академияси (Россия), Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва

университети, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида олиб борилмоқда.

Одам савдосига қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: одам савдосининг ғайриқонуний миграция ва уюшган жиноятчилик билан алоқадорлиги исботланган (Stanford University, Uppsala University, European Institute for Crime Prevention and Control, International Institute of Social Studies); одам савдосидан жабрланган шахс, шахвоний эксплуатация, мажбурий меҳнат, куллик, бола савдоси ва аёллар савдосининг тавсифи аниқлаштирилган (New York University, Columbia University, University of Oxford, University of Gothenburg, University of California, University of Minnesota, University of New South Wales, Université Panthéon-Assas, Universität Leipzig); шахснинг эркинлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмининг моҳияти очиб берилган (Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Москва университети); одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг шаклланиши даврларга ажратилган, жазони индивидуаллаштиришнинг самарадорлиги исботланган (Москва давлат юридик академияси); одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш асосланган, жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтириш имконини берадиган таклифлар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси).

Дунёда одам савдосига қарши кураш чораларини такомиллаштириш масалаларини ўрганиш борасида қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш; жавобгарликни дифференциация қилиш ва жазони индивидуаллаштириш имконини кенгайтириш; жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий

—¹ Қаранг: www.nyu.edu, www.rutgers.edu, www.stanford.edu, <http://ummn.edu>, www.universityofcalifornia.edu, www.columbia.edu, www.unsw.edu.au, www.ox.ac.uk, cam.ac.uk, uni-leipzig.de, <http://www.iss.nl>, <http://www.heuni.fi>, www.u-paris2.fr, www.gu.se, uu.se, msal.ru, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz> ва бошқа манбалар.

воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш; жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш; мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш; етказилган зарарни ундиришнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш; жиноят профилактикаси самарадорлигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари Ю.Ю. Акимова, А.Б. Бекмагамбетов, М.Ю. Буряк, Т.А. Военная, И.Б. Гетман, С.В. Громов, Д.А. Душко, А.А. Жинкин, Е.В. Евстифеева, Л.Ю. Егорова, И.Д. Измайлова, Г.К. Ищенко, Ф.Н. Кадников, Е.А. Кислова, В.А. Козак, Н.Г. Кулакова, Я.Г. Лизогуб, А.И. Милевский, Л.К. Мхитарян, Т.М. Орцханова, В.А. Попов, Е.М.

Полянская, Ю.П. Смирнов, Е.Е. Шалимов, В.О. Иващенко, Bales Kevin, DeStefano Anthony, Zimmerman Yvonne C, Kara Siddharth, Maltzahn Kathleen, Matiada Ngalikpima, Mahdavi Pardis, Michael Mann, Parreñas Rhacel Salazar, Truong Thanh-Dam, Chin Ko-lin, Louise I Shelley, Hepburn Stephanie, Hua Julietta каби чет эл олимлари томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимлари (Қ.Р. Абдурасулова, Ш. Бердиев, М.Х. Жиянов, И. Исмаилов, Ж.А. Неъматов, Ю.С. Пулатов, М.А. Ражабова, М.Х. Рустамбоев, Ф. Тахиров, А.С. Якубов ва бошқ.)нинг илмий ишларида одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларига оид умумий масалалар тадқиқ этилган.

Республикамизда Ш.Ҳ. Ҳамраева «Аёллар траффи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари»¹, Э.Х. Холова «Аёллар ва болаларни ёллашга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари»², Н.Б. Қурбонов «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари»³ мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишган. Ушбу тадқиқотларда одам савдосининг айрим жиҳатлари (одамларни ёллаш учун жавобгарлик масалалари, аёллар ва болалар савдосига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари) тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаларини, амалдаги миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, халқаро ҳуқуқ нормалари ва илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий

тадқиқот ишлари режасининг «Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш» -¹ Ҳамраева Ш.Ҳ. Аёллар траффи (пуллаш)ни бартараф этишнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2004. — 145 б.

² Холова Э.Х. Международно-правовые аспекты борьбы с вербовкой женщин и детей: Дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2008. — 182 с.

³ Қурбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари): Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2011. — 26 б.

7

нинг долзарб муаммолари» (2008-2016), «Криминалогик таълимотлар тарихи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазони ижро этиш тизимларидаги долзарб муаммолар» (2013-2016) мавзусидаги илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади одам савдосига қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, мазкур жиноят профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий нормаларнинг шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш;

одам савдосининг таркиби (объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони)га оид муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш;

одам савдосининг жавобгарликни оғирлаштирадиган ва алоҳида оғирлаштирадиган ҳолатларига оид муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш;

одам савдосини квалификация қилиш, ўхшаш жиноятлардан фарқлаш, қонун нормаларини халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига янада мувофиқлаштириш борасидаги масалаларни тадқиқ этиш ҳамда уларни бартараф этишга имкон берадиган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш;

одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияларни тадқиқ этиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатлар илғор тажрибаси ва ҳозирга қадар қимматини йўқотмаган ўтмиш тажрибасини ўрганиш;

одам савдосининг криминологик тавсифини ёритиш, ушбу жиноятга имкон бераётган омилларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

одам савдоси профилактикасининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш, жиноят профилактикасининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини одам савдосига қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети – одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий, криминологик муносабатлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантикийлик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

одамга нисбатан қонунга ҳилоф битимни амалга ошириш, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш, мажбурий никоҳ, мажбурий

8

суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш, ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилган;

одам савдосининг жавобгарликни оғирлаштирадиган янги ҳолатларини қонунда белгилаб, жавобгарликни дифференциация қилиш таклиф этилган; одамни ўғирлаш ва трансплантат мақсадида содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияларни бартараф этиш

бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

жиноят қонунига бола савдоси ёки болани эксплуатация қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида моддани киритиш асосланган; жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчилар, одам савдосини фош этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормаларни жиноят қонунда белгилаш асосланган; одам савдосининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари (тушунчаси, чора-тадбирлари, принциплари, субъектлари тавсифи) аниқлаштирилган;

ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилган ва ёрдам берган фуқароларнинг тақдирланишини қонунда белгилаб, жиноятлар (хусусан, одам савдоси)нинг олдини олиш ва уларни фош этишда аҳолининг фаол иштирок этишини таъминлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилашга қаратилган таклифлар давлатнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегиясига уйғун ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур жиноятга қарши кураш соҳасидаги амалдаги қонунчиликни модернизация қилишга, миллий хавфсизликка нисбатан юзага келаётган янги таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларни, мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар жиноят қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаш тиришга хизмат қилади.

Жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтириш, етказилган зарарни ундиришнинг жиноят-ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келган масалаларнинг бартараф этилишига ҳисса қўшади.

Жиноят профилактикасининг самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, жумладан Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросининг ҳудудий бўлинмаларини, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ҳудудий реабилитация марказларини, одам савдоси масалалари бўйича

Миллий маърузачи институтини ташкил қилиш, шунингдек маҳалла фуқаролар йиғинларида ахборот-маслаҳат марказлари фаолиятини йўлга қўйишга доир тавсиялар фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланишининг олдини олиш, жабрланганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга имкон яратади.

Қонун нормаларининг мазмуни бир хил қўлланилишини таъминлаш

бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар¹ одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг тўғри квалификация қилинишига ҳисса қўшади.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ўқув жараёнида криминология фанининг ўқув дастурига «Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи ва профилактикаси» номли мавзу (17-мавзу – 6 соат маъруза, мунозара, амалий машғулоти)ни киритиш да (2014)², ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати таркибидаги «Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими, бўлинмалари ва гуруҳлари»нинг номини «Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими, бўлинмалари ва гуруҳлари» деб ўзгартиришда (2015)³ фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни ўтказишда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилган. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят ҳуқуқи, криминология назариясида умум эътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий, криминологик муаммолари бўйича мутахассислар (туман, шаҳар ички ишлар бўлими (бошқарма)лари бошлиқлари, профилактика инспекторлари, тезкор вакиллар, терговчилар, судьялар, адвокатлар, профессор-ўқитувчилар) фикрларини ўрганиш учун ўтказилган анкета сўровлари, жиноят ишларини ўрганиш,

—¹ Фазилов И.Ю. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси учун жавобгарлик белгилловчи нормаларига илмий-амалий шарҳ: Ўқув-амалий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 34 б.; Одам савдоси ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий тавсифи: Услубий қўлланма / Т.А. Нурмухамедов, Ш.А. Ганиев, И.Ю. Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 125 б.

²«Jinoyatlarning oldini olish», «Tezkor-qidiruv faoliyati», «Tergov faoliyati», «Ekspert kriminalistik faoliyat» mutaxassisliklari uchun «Kriminologiya» fanidan o‘quv dasturi / Tuzuvchilar I. Ismailov, I.Yu. Fazilov. — T.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015.

—³ 24 б. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 29.06.2015 й. 26/1448-сон ва 05.10.2016 й. 6/1616-сон далолатномалари.

статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқот ишидаги таклиф ва тавсиялар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва жиноят ҳуқуқи,

криминология фанларидаги концептуал муаммоларнинг ечимларини топиш зарурати билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, жиноят ҳуқуқи, криминология фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан қонун ижодкорлигида, суд-тергов органлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятида, таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 06.01.2016 й. 06/1-02/1705 вх-сон хати). Илмий натижалардан фойдаланиш одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтириш, қонун нормаларидаги коллизияларни ҳал қилиш, жиноятга имкон бераётган омилларни бартараф этишга имкон яратади;

одам савдоси умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган хулосалар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2014)нинг 22-23-моддаларида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 24.06.2014 й. 06/1-06-сон хати, 04.10.2016 й. 06/1-05/1410-сон далолатномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ҳуқуқбузарликлар (хусусан, одам савдоси) умумий профилактикасининг тушунчаси ва чора тадбирлари тизимини белгилашга ҳамда уларни тўғри қўллашга хизмат қилган;

ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилган ва ёрдам берган фуқароларни тақдирлашга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни (2016)нинг 17-моддасида ўз ифодасини

(хусусан, одам савдоси)нинг олдини олиш ва уларни фош этишда аҳолининг фаол иштирок этишини таъминлашга ҳисса қўшган;

илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига тадбиқ этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги халқаро ҳамкорликни ташкил этиш тартиби ҳақида»ги низоми (2015)нинг 2, 13-бобларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 03.04.2015 й. 6/580-сон ва 05.10.2016 й. 6/1616-сон далолатномалари). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши жиноятлар (хусусан, одам савдоси) умумий профилактикаси чора тадбирларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшган; одам савдосининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятларига оид хулоса, таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича» йўриқномаси (2015)нинг 1, 2, 4, 5, 6, 7, 8, 9-бобларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 29.06.2015 й. 26/1448-сон ва 05.10.2016 й. 6/1616-сон далолатномалари). Илмий натижаларнинг қўлланилиши одам савдосининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшган;

одам савдосига қарши курашда, хусусан унинг профилактикасида Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросининг имкониятларидан самарали фойдаланишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Интерпол йўналиши бўйича фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномаси лойиҳасининг 13-бобида ўз аксини топган (Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросининг 25.03.2015 й. 32/908-сон далолатномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ички ишлар органларининг одам савдоси ва ғайриқонуний миграцияга қарши кураш бўйича Интерпол билан ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади;

одам савдоси профилактикасининг самарадорлигини оширишга оид хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Доимий яшаш манзилидан узоқ муддатга хорижий давлатларга чиқиб кетган шахсларни ҳисобини юритишни тартибга солиш, бу борада тадбирларни амалга ошириш ва идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномаси лойиҳасининг 2-бобида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 07.11.2015 й. 16/7-5372-сон далолатномаси). Илмий натижалардан фойдаланилиши чет элга кетаётган фуқаролар билан олиб борилаётган профилактик ишларни

жабрланишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини оширади;

одам савдосининг криминологик ва профилактик жиҳатларига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Вазирлик олий таълим муассасалари учун тавсия қилинган қуйидаги дарсликларнинг тегишли бобларида ўз ифодасини топган: «Криминология. Умумий қисм»¹, «Криминология. Махсус қисм»², «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти»³, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси»⁴ дарсликлари. Булардан «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти», «Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси» дарсликлари мамлакатимизда ушбу фанлар бўйича нашр этилган илк дарсликлар ҳисобланади. Илмий натижаларни инobatга олган ҳолда тайёрланган дарсликлар одам савдосининг криминологик ва профилактик тавсифига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувларни мукаммаллаштирган;

одам савдосининг жиноят-хуқуқий тавсифига оид хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2015 йил 6 январдаги 3-сон фармойиши асосида тайёрланиб, барча ҳудудий, маҳаллий ва тармоқ ички ишлар органларига хизмат фаолиятида фойдаланиш учун юборилган «Одам савдоси ва ахлоққа қарши хуқуқбузарликларнинг хуқуқий тавсифи» номли услубий қўлланманинг I бобида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 25.01.2016 й. 16/7-321-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг тўғри квалификация қилинишига ҳисса қўшган, шунингдек одам савдосининг жиноят-хуқуқий тавсифига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувларни мукаммаллаштирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари қатор халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида, жумладан:

¹ - Kriminologiya. Umumiy qism: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov. — T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — 252 b.

² Fazilov I.Yu. Odam savdosi jinoyatlarining kriminologik tavsifi va profilaktikasi (XX bob) // Kriminologiya. Maxsus qism: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / Mualliflar jamoasi. — T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — B. 549-575. ³ Ismailov I., Fazilov I.Yu. Profilaktika xizmatining odam savdosi va axloq sohasidagi huquqbuzarliklar profilaktikasi faoliyati (XI bob) // Ichki ishlar organlarining profilaktika xizmati faoliyati: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / Mualliflar jamoasi. — T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — B. 284-314; Исмаилов И., Фазилов И.Ю. Деятельность службы профилактики по профилактике правонарушений в сфере нравственности и торговли людьми (глава XI) // Деятельность профилактической службы органов внутренних дел: Учебник для высших учебных заведений МВД / Коллектив авторов. — Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. — С. 207-229. ⁴ Ziyodullaev M.Z., Farfiev Yo.A., Fazilov I.Yu., Ubaydullaev Sh. Huquqbuzarliklarning viktinologik profilaktikasiga psixologik tavsif (XII bob) // Huquqbuzarliklar profilaktikasi faoliyati psixologiyasi: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / Mualliflar jamoasi. — T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — B. 317-339.

«Халқаро ҳуқуқий муносабатларда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли» (Тошкент, 2011); «Совершенствование законодательства в сфере защиты прав человека и гражданина: проблемы и перспективы» (Иркутск, Россия, 2013); «Роль международных и внутригосударственных рекомендательных актов в правовой системе России» (Иркутск, Россия, 2013); «Современные проблемы права и управления» (Тула, Россия, 2013); «Болалар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш – фаровон ва тараққий этиб боровчи жамият асоси» (Тошкент, 2013); «The priorities of the world science: experiments and scientific debate» (North Charleston, USA, 2014); «Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш масалалари: миллий ва хорижий тажриба» (Тошкент, 2014); «Болалар учун ижтимоий ҳамкорлик: миллий ва халқаро тажрибалар» (Тошкент, 2014); «Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоясини таъминлаш – қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим йўналиши» (Тошкент, 2014); «Государство и право. Актуальные научные проблемы. Рассмотрение, решение, практика» (Гданьск, Польша, 2015); «Economics, management, law: socio-economic aspects of development» (Roma, Italy, 2016) мавзуларидаги халқаро илмий-амалий конференция ва форумларда;

«Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари» (Тошкент, 2009); «БМТ тизимини жаҳон сиёсатининг янги архитектурасига мослаштиришнинг концептуал жиҳатлари: Ўзбекистон Республикаси амалиёти» (Тошкент, 2009); «Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий қадриятларнинг ўрни» (Ангрен, 2009); «Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари» (Тошкент, 2010); «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкилий таъминлашни янада такомиллаштириш» (Тошкент, 2010); «Ҳуқуқий тарбия – баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» (Тошкент, 2010); «Баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари» (Термиз, 2010); «Юксак маънавият – баркамол авлод тарбиясининг пойдевори» (Тошкент, 2010); «Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» (Тошкент, 2010); «Марказий Осиёдаги етакчи манфаатдор ташки кучлар: Европа Иттифоқининг минтақадаги роли» (Тошкент, 2010); «Давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2010); «Конституция – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси» (Тошкент, 2011); «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати» (Тошкент, 2011); «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар» (Тошкент, 2011); «Бола ҳуқуқларини таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик» (Тошкент, 2011); «Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият: интеграциялашувнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари» (Тошкент, 2011); «Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда юридик фанларнинг долзарб муаммолари» (Наманган, 2011); «Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган суд-

ҳуқуқ ислоҳотлари: муаммо ва истикболлар» (Тошкент, 2011); «Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар учун кадрлар тайёрлашда тил таълими ва таржима масалалари» (Тошкент, 2011); «Ёш авлод – кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширувчи асосий куч» (Тошкент, 2011); «Фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортишини таъминлашда ҳуқуқий билимлар тарғиботининг ўрни» (Тошкент, 2012); «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятнинг барқарор ривожланиш кафолати: ташкилий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари» (Тошкент, 2012); «Мустаҳкам оила – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови» (Тошкент, 2012); «Юридик конфликтларни олдини олиш ва уларни ҳал этиш механизмини такомиллаштириш муаммолари» (Тошкент, 2013); «Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2013); «Одам савдосига қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари» (Тошкент, 2013); «Ўзбекистон Республикасида қонунчиликти такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари» (Тошкент, 2014); «Криминологиянинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2014); «Жиноят қонунчилигининг либераллаштириши шароитида айрим жиноятларни декриминализация қилиш масалалари» (Тошкент, 2014); «Жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари» (Тошкент, 2014); «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» (Тошкент, 2015); «Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари» (Тошкент, 2015); «Одил судловнинг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамияти» (Тошкент, 2015); «Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси: бугунги ҳолати ва қонунчиликти такомиллаштириш истикболлари» (Тошкент, 2016) мавзуларидаги республика илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

2014 йилнинг 27 март-8 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари ходимларининг тўлиқ таркиби билан ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 20.03.2014 й. 47-сон фармойиши асосида) сайёр-ўқув машғулотларида диссертант томонидан ўқилган маърузалар жараёнида одам савдоси профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 95 та илмий иш, жумладан 2 та монография, 80 та мақола (11 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, 260 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати, 5 та иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий нормаларнинг тарихий-ҳуқуқий таҳлили**»га бағишланган. Одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий нормаларни тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилиш бир томондан, ушбу нормаларнинг қандай пайдо бўлганлигини ва қай тарзда такомиллашганлиги (ривожланганлиги)ни билиш имконини берса, бошқа томондан, мазкур нормаларнинг бугунги ҳолатини ва ривожланиш истиқболларини аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, тарихий-ҳуқуқий таҳлил асосида ҳозирга қадар қимматини йўқотмаган ўтмиш тажрибасини аниқлаш ва ундан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин.

Тадқиқотда муайян тарихий даврлардаги ҳуқуқий манбаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий нормаларнинг шаклланиши ва ривожланиши куйидаги даврларга ажратилган: 1) ислонинг кириб келишигача бўлган давр; 2) ислонинг кириб келишидан то чор Россияси босқинигача бўлган давр; 3) чор Россияси мустамлакачилиги даври; 4) совет тузими даври; 5) Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик даври. Ушбу даврларда одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий нормаларни шаклланиши ва ривожланишининг хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот ишининг «**Одам савдоси таркибининг жиноят-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида ушбу жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонига оид муаммолар тадқиқ этилган.

Ҳар қандай жиноят таркиби каби, одам савдосининг таркиби объектив (объекти, объектив томони) ва субъектив (субъекти, субъектив томони) белгилардан иборат. Ушбу белгилардан лоақал биттаси бўлмаса, қилмишда жиноят таркиби мавжуд эмас, деб топилишига олиб келади. Шу боис, жиноят таркиби объектив ва субъектив белгиларининг мазмунини тўғри тушуниш ва бир хил қўллаш лозим.

Тадқиқотда одам савдосининг объекти таснифланган ва таърифланган: одам савдосининг умумий объекти – жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг умумий йиғиндисидан иборат (барча жиноятларнинг умумий объектини худди шундай таърифлаш умум

16

эътироф этилган);

одам савдосининг махсус объекти – мазкур жиноят натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, олий кадрият сифатида тан олинган инсон табиий ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар;

одам савдосининг турдош объекти – мазкур жиноят натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, инсон эркинлиги дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар;

одам савдосининг асосий бевосита объекти – мазкур жиноят натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, инсоннинг ҳаракатланиш, яшаш учун вақтинча ёки доимий турар жойини танлаш, одамлар билан учрашиш ва мулоқотда бўлиш, меҳнат қилиш ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш, бирга яшаш эркинлиги, аёлнинг фарзанд туғиш эркинлиги, инсон организми бутлиги дахлсизлигини таъминловчи, шунингдек одамдан қонунга ҳилоф битимларнинг предмети сифатида фойдаланилмаслигини кафолатловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар;

одам савдосининг қўшимча бевосита объекти – мазкур жиноят натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулки, шунингдек хизмат ваколатларини амалга ошириш ва ҳужжатлар алмашинуви учун белгиланган тартиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси ҳуқуқий режими дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар;

одам савдосининг факультатив бевосита объекти – мазкур жиноят натижасида зарар етказиладиган ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдириладиган, жабрланувчи қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи дахлсизлигини таъминловчи, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар.

Одам савдосининг асосий бевосита объектига таъриф бериш асосида ушбу жиноят натижасида инсон фаолиятининг қайси соҳаларидаги эркинлиги чекланиши мумкинлиги баён қилинган. Муаллифнинг таърифлашича, инсон эркинлиги деганда, одамнинг бирор жихатдан чекланиш ва тазйиқлардан холи, ўз истаги бўйича қабул қилган қарори ва ўз хоҳишига кўра, жамиятда умум эътироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун ҳужжатлари асосида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилиши тушунилади.

Одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишлар, жиноятнинг тугалланиш пайти, жиноятда иштирокчилик билан боғлиқ

муаммолар таҳлил қилинган.

Амалдаги Жиноят кодекси (кейинги ўринларда – ЖК)да одам савдосининг объектив томони қуйидаги қилмишларда намоён бўлиши белгиланган: 1) одамни олиш-сотиш; 2) одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш; 3) одамни ундан фойдаланиш мақсадида ташиш; 4) одамни ундан фойдаланиш мақсадида топшириш; 5) одамни ундан фойдаланиш мақсадида яшириш;

17

6) одамни ундан фойдаланиш мақсадида қабул қилиш (ЖК 135-м. 1-қ.).

Тадқиқотда одам савдосининг янги шакллари аниқланиб, ушбу қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилган. Жумладан, одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларга қуйидагилар кириши асосланган: 1) одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш; 2) одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш; 3) одамни эксплуатация қилиш мақсадида ташиш; 4) одамни эксплуатация қилиш мақсадида топшириш; 5) одамни эксплуатация қилиш мақсадида қабул қилиш; 6) одамни эксплуатация қилиш мақсадида яшириш; 7) одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш.

Одам савдоси ва унинг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларнинг мазмуни очиб берилган ҳамда қуйидагича таърифланган: одам савдоси – одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш ёхуд одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, қабул қилиш, яшириш ёки ушлаб туриш;

одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш – одамни бошқа инсонга ёки моддий бойликка алмаштириш ёхуд одамни олиш-сотиш, ҳада, ижара, гаров, мерос, қарз ёки бошқа ғайриқонуний битимнинг предмети сифатида ўзга шахсга топшириш ёки ундан қабул қилиш;

одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш – ўзга шахсни одамни эксплуатация қилишнинг муайян шаклига жалб қилишга қаратилган хатти ҳаракатлар (бўлғуси жабрланувчини излаб топиш, келишувга эришиш, эксплуатация қилинадиган жойга боришини ташкил этиш ва бошқ.);

одамни эксплуатация қилиш мақсадида ташиш – эксплуатация қилиш учун мўлжалланганлигини ёки эксплуатация қилинаётганлигини била туриб, ўзга шахсни бир жойдан бошқа жойга етказиб бериш;

одамни эксплуатация қилиш мақсадида топшириш – эксплуатация қилиш мақсадида ўзга шахсни бировга жисмоний тарзда бериш (уни одамга нисбатан қонунга хилоф битимнинг предмети сифатида ўзга шахсга топшириш бундан мустасно);

одамни эксплуатация қилиш мақсадида қабул қилиш – эксплуатация қилиш мақсадида ўзга шахсни бировдан жисмоний тарзда олиш (уни одамга нисбатан қонунга хилоф битимнинг предмети сифатида ўзга шахсдан қабул қилиш бундан мустасно);

одамни эксплуатация қилиш мақсадида яшириш – эксплуатация қилиш учун мўлжалланганлигини ёки эксплуатация қилинаётганлигини била туриб,

ўзга шахсни ҳокимият вакилларида, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлаш, улар томонидан жабрланувчини аниқланишини мураккаблаштирувчи хатти ҳаракатларни содир этиш, уни озод қилишни рад этиш ёхуд уни беркитиш учун турар жой ёки бошқа жойни тақдим этиш;

одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш – эксплуатация қилиш учун мўлжалланганлигини ёки эксплуатация қилинаётганлигини била туриб, ўзга шахсни муайян жойга жойлаштириш, тутқунликда сақлаш ёки ўша жойда бўлишини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатлар.

18

Одам савдосининг субъекти ва субъектив томони билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Одам савдосининг субъектини мазмуни очиб берилган. Жиноят умумий субъектининг учинчи асосий белгиси (жисмоний шахс бўлиш)га доир қарашларни ривожлантириш зарурати юзага келганлиги асосланиб, нафақат жисмоний шахс, балки юридик шахс ҳам одам савдосининг субъекти бўлиши мумкин, деган нуқтаи назар илгари сурилган.

Амалдаги қонунда одамни эксплуатация қилиш шакллари қуйидагилардан иборат эканлиги белгиланган: 1) бошқа шахсларнинг фойдалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари; 2) мажбурий меҳнат ёки хизматлар; 3) қуллик; 4) қулликка ўхшаш одатлар; 5) эрксиз ҳолат; 6) инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЖК «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» номли бўлими).

Тадқиқотда одамни эксплуатация қилишнинг янги шакллари аниқланиб, ушбу қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилган. Жумладан, одамни эксплуатация қилиш шаклларига қуйидагилар кириши асосланган: 1) шахвоний эксплуатация; 2) мажбурий меҳнат (хизмат); 3) қуллик; 4) қулликка ўхшаш одатлар; 5) эрксиз ҳолат; 6) мажбурий никоҳ; 7) мажбурий суррогат оналик; 8) инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш; 9) инсон аъзо, тўқима ва/ёки ҳужайраларини ажратиб олиш; 10) ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш.

Одамни эксплуатация қилиш ва унинг шаклларининг мазмуни очиб берилган ҳамда қуйидаги таърифлар ишлаб чиқилган:

одамни эксплуатация қилиш – шахвоний эксплуатация, мажбурий меҳнат (хизмат), қуллик, қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат, мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш, инсон аъзо, тўқима ва/ёки ҳужайраларини ажратиб олиш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш;

шахвоний эксплуатация – уятсиз-бузуқ ёки порнографик хусусиятга эга ҳаракатларни ижро этиш, шундай хусусиятга эга маҳсулотни тайёрлаш ёки шундай мазмундаги томошаларда иштирок этиш, фойдалилик билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан унинг эркига хилоф равишда фойдаланиш;

мажбурий никоҳ – аёл (эркак)ни эрга тегиш (уйланиш)га, бирга яшашга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд унинг эркига

хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш ёки унинг эрга тегиши (уйланиши)га тўсқинлик қилиш;

мажбурий суррогат оналик – ўзга аёлни сунъий ёки табиий уруғлантириш орқали ҳомиладор бўлишга, туғишга ёки гўдакни кўкрак сути билан боқишга мажбур қилиш;

инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш – ўзга шахснинг эркига хилоф равишда унда тиббий, биотиббий ёки илмий тажрибаларни ўтказиш, шунингдек одам эмбрионидан тижорат, ҳарбий ёки саноат мақсадида фойдаланиш, одамни клонлаштириш;

инсон аъзо, тўқима ва/ёки ҳужайраларини ажратиб олиш – ўзга шахснинг эркига хилоф равишда унинг аъзо, тўқима ва/ёки ҳужайраларини тананинг

19

анатомик тузилишини бузиш билан амалга ошириладиган жарроҳлик аралашуви орқали ажратиб олиш;

ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш – тиламчилик билан шуғулланиш, қуролли тўқнашувда, ҳарбий ҳаракатларда ёки жиноий фаолиятда қатнашиш ёхуд бошқа ғайриқонуний фаолият билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан унинг эркига хилоф равишда фойдаланиш.

Одамни эксплуатация қилишнинг барча шакллари – айтиб бериш қилиш (одамни эксплуатация қилиш)нинг турли кўринишлари, одам савдосининг мантикий давоми (оқибати) эканлигини инобатга олиб, ижтимоий хавфлилик даражасига кўра одам савдоси ва одамни эксплуатация қилиш муқобил қилишлар ҳисобланишини назарда тутиб, одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишнинг барча шакллари (бола савдоси ва болани эксплуатация қилишдан ташқари) учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни жиноят қонунининг битта моддаси (135-м.)да жамлаш асосланган.

Юқоридаги ҳулосаларга таянган ҳолда, ЖК 135-моддасининг номи ва 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилган:

«135-модда. Одам савдоси ёки одамни эксплуатация қилиш

Одамга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш ёхуд одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, қабул қилиш, яшириш ёки ушлаб туриш ёхуд одамни эксплуатация қилиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Мазкур таклифнинг жорий этилиши одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишнинг янги шакллари учун жавобгарлик белгилашга имкон беради.

Диссертациянинг «**Одам савдосига қарши курашнинг жиноят ҳукуқий чораларини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида ушбу жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлари, қонун нормаларидаги коллизиялар, одам савдосининг аломатларини ўхшаш жиноятларнинг аломатларидан фарқланиши, миллий қонунчиликни халқаро ҳукуқий ҳужжатлар талабларига янада мувофиқлаштириш билан боғлиқ

масалалар тадқиқ этилган.

Амалдаги қонунда одам савдосининг жавобгарликни оғирлаштирадиган қуйидаги ҳолатлари белгиланган: а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали содир этилган одам савдоси; б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси; в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси; г) айбдорга моддий жихатдан ёки бошқа жихатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси; д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган одам савдоси; е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган одам савдоси; ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган одам савдоси; з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилган одам савдоси; и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда,

20

худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда содир этилган одам савдоси; к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган одам савдоси (ЖК 135-м. 2-қ.).

Тадқиқотда жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтиришга, қонун нормаларидаги коллизияларни бартараф этишга қаратилган қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган:

зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисми «а» бандидаги «зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш» деган сўзларни «ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб» деган сўзлар билан алмаштириш;

«мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали содир этилган одам савдоси» тушунчасининг мазмуни тўғри тушунилиши ва бир хил қўлланилишида юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисми «а» бандидаги «ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали» деган сўзларни чиқариб, ушбу модда 2-қисмини «товламачилик орқали» деган банд билан тўлдириш;

ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан ёки жабрланувчини ожиз аҳволга солиш орқали содир этилган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисми «в» бандидаги «ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахс» деган сўзларни «ожиз аҳволдаги шахс» деган сўзлар билан алмаштириш, шунингдек ушбу бандни «жабрланувчини ожиз аҳволга солиш орқали» деган сўзлар билан тўлдириш;

«хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган одам савдоси» тушунчасининг мазмуни тўғри тушунилиши ва бир хил қўлланилишида юзага

келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисми «ж» банди (хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда)ни «шахс томонидан ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда» деган тахрирда баён этиш;

ҳомиладор аёлга нисбатан содир этилган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисмини «ҳомиладор аёлга нисбатан» деган банд билан тўлдириш;

алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисмини «алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан» деган банд билан тўлдириш;

киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисми «к» банди (киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса)ни чиқариш.

21

Юқоридагиларга таянган ҳолда, ЖК 135-моддасининг 2-қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилган:

«Ўша қилмиш:

а) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

б) ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан ёки жабрланувчини ожиз аҳволга солиш орқали;

в) ҳомиладор аёлга нисбатан;

г) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан;

д) товламачилик орқали;

е) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

ж) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

з) шахс томонидан ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда; и) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

к) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ушбу таклифнинг жорий этилиши:

зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияларни ҳал қилади;

«мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали содир этилган одам

савдоси», «хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган одам савдоси» тушунчаларининг мазмуни тўғри тушунилиши ва бир хил қўлланилишида юзага келган масалаларни бартараф этади;

одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтиришга имкон беради, хусусан ҳомиладор аёлга, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан, жабрланувчини ожиз аҳволга солиш, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш орқали содир этилган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этади.

Амалдаги қонунда одам савдосининг жавобгарликни алоҳида оғирлаштирадиган қуйидаги ҳолатлари белгиланган: а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси; б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган одам савдоси; в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган одам савдоси; г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган одам савдоси (ЖК 135-м. 3-қ.).

Тадқиқотда одам савдосининг жавобгарликни алоҳида оғирлаштирадиган ҳолатларига оид нормаларни ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган:

22

ўғирлаш орқали содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 2-қисми «а» банди (ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш орқали)даги «ўғирлаш» сўзини чиқариб, ушбу модда 3-қисмини «ўғирлаш орқали содир этилган бўлса» деган банд билан тўлдириш ва 3-қисмининг санкцияси (саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади)даги «ўн икки йилгача» деган сўзларни «ўн беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштириш;

икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилаётган одам савдосининг ижтимоий хавфи ошиб бораётганлигини инобатга олиб, ЖК 135-моддаси 2-қисми «б» бандини чиқариб, ушбу модда 3-қисмини «икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса» деган банд билан тўлдириш;

жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилаётган одам савдосининг ижтимоий хавфи ошиб бораётганлигини инобатга олиб, ЖК 135-моддаси 2-қисми «з» бандини чиқариб, ушбу модда 3-қисмини «жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилган бўлса» деган банд билан тўлдириш;

оғир оқибатларга сабаб бўлган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 3-қисми «б» банди (жабрланувчининг ўлимига

ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса)ни «таносил касалликларига ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига) чалинишга, баданга оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига ёки узоқ вақт (йигирма бир кундан кам бўлмаган давр) давомида эксплуатация қилинишига сабаб бўлса» деган таҳрирда баён этиш;

жиноий уюшма томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 3-қисми «г» банди (уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса)ни «уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд у(лар)нинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса» деган таҳрирда баён этиш;

анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда, шунингдек етказилган зарарни жиноят-ҳукукий воситалар орқали ундиришда юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 135-моддаси 3-қисмини «анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу зарар бартараф этилмаган бўлса» деган банд билан тўлдириш.

Юқоридагиларга таянган ҳолда, ЖК 135-моддасининг 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилган:

«Ўша қилмиш:

23

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса; б) ўғирлаш орқали содир этилган бўлса;

в) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилган бўлса;

г) таносил касалликларига ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига) чалинишга, баданга оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига ёки узоқ вақт (йигирма бир кундан кам бўлмаган давр) давомида эксплуатация қилинишига сабаб бўлса;

д) анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу зарар бартараф этилмаган бўлса;

е) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

ж) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд у(лар)нинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Ушбу таклифнинг жорий этилиши:

ўғирлаш орқали содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияни ҳал қилади, шунингдек ушбу қилмиш учун қўлланиладиган жазо одилона бўлишини таъминлайди;

икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, шунингдек жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни

чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилган одам савдоси учун қўлланиладиган жазо одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғирлигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлишига хизмат қилади;

«оғир оқибатларга сабаб бўлган одам савдоси» тушунчасининг мазмуни тўғри тушунилиши ва бир хил қўлланилишида юзага келган масалаларни бартараф этади;

одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтиришга имкон беради, хусусан таносил касалликларига ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига) чалинишга, баданга оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига ёки узоқ вақт (йигирма бир кундан кам бўлмаган давр) давомида эксплуатация қилинишига, анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган, жиноий уюшма томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган одам савдоси учун жавобгарликни дифференциация қилишда юзага келган масалаларни бартараф этади;

одам савдоси оқибатида етказилган зарарни жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали ундирилишига самарали хизмат қилади.

Тадқиқотда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчилар, одам савдосини фош этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормаларни жиноят қонунда белгилаш асосланган. Жумладан, ЖК 135-моддасини қуйидаги таҳрирдаги 4-қисм билан тўлдириш таклиф этилган:

24

«Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчи, шунингдек бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилатган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни фош этишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди».

Мазкур таклифнинг жорий этилиши:

жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчиларни жавобгарликдан озод қилишга доир нормаларни қўллашда юзага келган масалаларни бартараф этади ва қонун нормаларидаги коллизияни ҳал қилади;

жиноятни фош этишда жабрланувчиларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик қилишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг бартараф этилишига хизмат қилади;

жиноятни фош этишда айбдорларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик қилишини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали самарали таъминлашга имкон яратади;

миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига янада мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён

бўлган шахсни олиш-сотиш ёхуд уни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш – саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖК 135-м. 3-қ. «а» банди).

Тадқиқотда ЖК 135-моддаси 3-қисмининг «а» бандини чиқариб, жиноят қонунига бола савдоси ёки болани эксплуатация қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида моддани киритиш асосланган. Жумладан, ЖК Махсус қисмининг «Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар» номли V бобини қуйидаги таҳрирдаги 127¹-модда билан тўлдириш таклиф этилган:

«127¹-модда. Бола савдоси ёки болани эксплуатация қилиш

Боллага нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш ёхуд болани эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, қабул қилиш, яшириш ёки ушлаб туриш ёхуд болани эксплуатация қилиш –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) ожиз аҳволдаги вояга етмаган шахсга нисбатан ёхуд жабрланувчини ожиз аҳволга солиш орқали;

б) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан;

в) болани назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали;

г) товламачилик орқали;

д) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб;

е) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

ж) шахс томонидан ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда;

25

з) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

и) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) ўғирлаш орқали содир этилган бўлса;

в) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилган бўлса;

г) таносил касалликларига ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига) чалинишга, баданга оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига ёки узоқ вақт (йигирма бир кундан кам бўлмаган давр) давомида эксплуатация қилинишига сабаб бўлса;

д) анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, башарти, бу зарар бартараф этилмаган бўлса;

е) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

ж) уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан ёхуд у(лар)нинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн икки йилдан ўн етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жисмоний ёки рухий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчи, шунингдек бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни фош этишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди».

Ушбу таклифнинг жорий этилиши бола савдоси, болани эксплуатация қилишнинг янги шакллари учун жавобгарлик белгилашга, шунингдек миллий қонунчиликни халқаро ҳукуқий ҳужжатлар талабларига янада мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

Тадқиқотда одам савдосининг аломатларини ўхшаш жиноятлар – одам ўғрилаш, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, кўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг аломатларидан фарқли жиҳатлари очиб берилган. Жумладан, ўғирлаш орқали содир этилган одам савдоси (ЖК 135-м. 2-қ. «а» банди) билан одам ўғрилаш (ЖК 137-м.)нинг аломатларини фарқлашда, шунингдек одам ўғрилаш тушунчасининг мазмуни тўғри тушунилиши ва бир хил қўлланилишида юзага келган масалаларни бартараф этиш мақсадида ЖК 137-моддаси 1-қисми диспозицияси (ушбу Кодекснинг 245-моддасида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмагани ҳолда одам ўғрилаш)ни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилган:

«Одамни тутқунликка олиш, эркига хилоф равишда яшаш жойидан бошқа жойга кўчириш ва тутқунликда ушлаб туриш, башарти, бу қилмишда ушбу Кодекснинг 135, 245-моддаларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса».

26

Шаҳвоний эксплуатация тушунчаси фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан унинг эркига хилоф равишда фойдаланишни ҳам ўз ичига қамраб олиши асосланган. Мазкур хулосага таянган ҳолда, фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан унинг ихтиёрий розилиги асосида фойдаланишни ЖКнинг 131-моддаси (кўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш) билан, фоҳишалик билан шуғулланиш учун ўзга шахсдан унинг эркига хилоф равишда фойдаланишни эса, ЖКнинг 135-моддаси (одам савдоси) билан квалификация қилиш лозимлиги тавсия этилган.

Тадқиқот ишининг «**Одам савдосига қарши курашнинг криминалогик чораларини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида ушбу жиноятнинг криминалогик тавсифи, жиноятга имкон бераётган омиллар, жиноят профилактикаси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Одам савдосининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари (ҳолати, даражаси,

тузилиши, географияси, йўналиши) ёритилган, жабрланувчи ва айбдор шахсининг криминалогик тавсифи аниқлаштирилган. Жумладан, одам савдосини содир этишга мойил бўлган шахслар ва одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга қуйидагича тавсиф берилган:

одам савдосини содир этишга мойил бўлган шахслар – фуқароларни Давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишига кўмаклашиш ва чет элда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан ғайриқонуний равишда шуғулланувчилар, автотранспорт воситаларида хориж мамлакатларига йўловчиларни ва юкларни ташиш билан шуғулланувчилар, хорижий мамлакатларда норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, хорижий давлатлардан депортация қилинганлар, мукаддам судланганлар, илгари одам савдосидан жабрланганлар, исловатхона (фоҳишахона, бангихона, киморхона, ишратхона) сақловчилар ва кўшмачилар, атрофдагилар учун хавф солувчи касалликларга (таносил касалликлари, ОИВ инфекцияси ва ҳ.к.) чалинганлар, «ёш ва жозибали аёллар»га, «қўлида хунари бор эркаклар»га чет элда дурустгина маош тўланадиган ишларни таклиф қилувчилар, туристик фирмалар, меҳнат биржалари, никоҳ агентликлари, моделлар агентликлари, сауна, клуб, дискотека сингари кўнгил очар (дам олиш) жойларда фаолият кўрсатадиган ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар ва бошқ.;

одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар – чет элда норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар ва шу мақсадда чет элга кетувчилар, енгил табиатли шахслар (фоҳишалар, уларнинг мижозлари, бесоқолбозлар, тартибсиз жинсий ҳаёт кечирувчилар), носоғлом муҳитда яшовчилар ва алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинганлар, ожиз аҳволдаги шахслар ва моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлганлар, хорижий давлатлардан депортация қилинганлар, туристик фирмалар, меҳнат биржалари, никоҳ агентликлари, моделлар агентликлари, сауна, клуб, дискотека сингари кўнгил очар (дам олиш) жойларнинг хизматларидан мунтазам фойдаланувчилар ва бошқ.

Одам савдосига имкон бераётган асосий омиллар аниқлаштирилган ва қуйидагича тизимлаштирилган:

1) фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахлоқий маданияти, олиб

27

борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги етарли даражада эмаслиги;

2) ишсизлик, хусусан узоқ муддатга чет элга кетиб, қайтиб келган фуқароларни, ўқув муассасаларини тамомлаган ёшларни мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашга қаратилган чораларнинг етарли даражада эмаслиги;

3) чет элга чиқаётган фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш имкониятлари ва хавфсиз меҳнат шароитлари ҳақида ишончли ахборот билан тўлиқ таъминланмаганлиги, ёлловчиларга ҳаддан ошиқ ишониши, нима мақсадда чет элга кетаётганлигини ва ким олиб кетаётганлиги (чақиртирганлиги)ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яшириши;

4) айрим шахсларнинг шахсий манфаат (моддий манфаатдорлик)ни кўзлаб, фуқароларни Давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишига кўмаклашиш, чет элда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан ғайриқонуний равишда шуғулланаётганлиги;

5) одам савдоси жиноятларининг тўлиқ фош этилмасдан қолаётганлиги, жабрланган шахсларнинг жиноятни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фаол ҳамкорлик қилмаётганлиги;

6) ривожланган хорижий давлатларда арзон иш кучига бўлган талабнинг ортганлиги, фуқаролар, айниқса ёшларнинг чет элда норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун гуруҳ бўлиб кетаётганлиги ва «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолаётганлиги;

7) шахвоний хизматларга бўлган талабнинг юқорилиги, фоҳишахоналарнинг мавжудлиги ва «тунги клуб, сауна ёки массаж хоналари» ниқоби остида фаолият олиб бораётганлиги;

8) Интернет жаҳон ахборот тармоғида зўравонлик, шафқатсизлик, порнография ва фоҳишаликни тарғиб қилаётган, шахвоний хизматларни таклиф этаётган, шунингдек «ёш ва жозибали аёллар» ва «кўлида хунари бор эркаклар»га юқори маош тўланадиган ишларни таклиф этаётган (аслида эксплуатацияга жалб қилаётган) веб-сайтларнинг мавжудлиги ва кўпайиб бораётганлиги;

9) одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишнинг қонунда жавобгарлик белгиланмаган қатор янги шакллари мавжудлиги, юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги белгиланмаганлиги;

10) фуқароларда енгил йўл билан тезроқ катта бойлик орттиришга бўлган хоҳиш-истакнинг юқорилиги;

11) оилавий-маиший низолар, хусусан ёш оилаларнинг ажрашиб кетиши ва бошқалар.

Одам савдосига имкон бераётган асосий омилларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, чет элга чиқаётган фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш имкониятлари ва хавфсиз меҳнат шароитлари ҳақида ишончли ахборот билан тўлиқ таъминланмаганлиги, фуқароларни чет элда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан ғайриқонуний равишда шуғулланиш ҳолатлари аксарият ҳолларда одам савдосига имкон бераётганлиги аниқланган. Ушбу омилларни бартараф

28

этиш мақсадида:

1. Чет элга чиқаётган фуқаронинг меҳнат шароити ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатига оид нормаларни қонунда мустаҳкамлаш асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунини қуйидаги мазмундаги 13¹-модда билан тўлдириш таклиф этилган:

«13¹-модда. Чет элга чиқаётган фуқаронинг меҳнат шароити ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи

Иш берувчи хорижга чиқувчи ходимларни ишга олишда уларга меҳнат

шароити, бериладиган имтиёзлар ва компенсациялар ҳамда соғлиқни таъминлаш бўйича қўриладиган чоралар ва хавфсиз меҳнат шароитлари ҳақида хабар бериши шарт.

Ахборот берган иш берувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг тўлиқлиги ва ишончилиги учун жавобгар бўлади».

2. Ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш учун жавобгарлик белгилаш асосланган ва ЖКни қуйидаги мазмундаги 223¹-модда билан тўлдириш таклиф этилган:

«223¹-модда. Ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш

Моддий манфаатдорлик ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб, фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишига кўмаклашиш ёхуд чет элда ишга жойлаштиришни ташкил этиш билан ғайриқонуний равишда шуғулланиш –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади. Ўша қилмиш:

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни фош этишга фаол ёрдам берган шахс (мигрант) қонунга хилоф равишда чет элга чиққанлиги ёки Ўзбекистон Республикасига кирганлиги ёхуд қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганлиги учун жавобгарликка тортилмайди».

Тадқиқотда одам савдосининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари (тушунчаси, чора тадбирлари, принциплари, субъектлари тавсифи) аниқлаштирилган. Жумладан, қуйидаги таърифлар ишлаб чиқилган:

одам савдосининг профилактикаси – одам савдоси жиноятлари умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий,

тарбиявий-профилактик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, тиббий, психологик, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларининг тизими; одам савдосининг умумий профилактикаси – одам савдоси профилактикаси субъектларининг ушбу жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фаолияти; одам савдосининг махсус профилактикаси – одам савдоси профилактикасини бевосита амалга

оширувчи субъектларнинг мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиқиб, одам савдоси профилактикасига, ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт шароитларни бартараф этишга, одам савдосини содир этган (содир этишга мойил бўлган) шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга оид фаолияти;

одам савдосининг якка тартибдаги профилактикаси — одам савдоси профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларнинг одам савдосини содир этган (содир этишга мойил бўлган) шахсларни аниқлаш, уларга ёрдам кўрсатиш, жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш (ахлоқан тузатиш), уларни нормал турмуш тарзига қайтариш, шунингдек ушбу жиноятларнинг содир этилишини олдини олиш бўйича махсус комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган фаолияти;

одам савдосининг виктимологик профилактикаси — одам савдоси профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларнинг одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга, шунингдек одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган фаолияти;

одам савдоси профилактикасининг асосий принциплари: қонунийлик; инсонпарварлик; тизимлилик; ишонтириш усулининг устуворлиги; таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги; одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик; ижтимоий ҳамкорлик;

одам савдоси профилактикасининг субъектлари — ўз ваколатлари доирасида профилактик чора-тадбирларни амалга оширадиган орган, муассаса, ташкилотлар, шунингдек ота-она (ота-она ўрнини босувчи шахс)лар ва фуқаролар.

Тадқиқотда одам савдоси профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан: 1. Одам савдоси профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг самарадорлигини ошириш, хусусан аҳоли гавжум жойлар (автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти бекатлари, чегара масканлари, чет элга сайёҳлик, ишга жойлаштириш ва бошқа хизматларни таклиф этувчи ташкилотлар ва ҳ.к.)да одам савдоси жиноятларининг оқибатларидан огоҳ

30

этувчи, бундай иллатларга қарши курашга чорловчи видео роликларни намоиш қилишни ва огоҳликка чақирувчи овозли матнларни эшиттиришни йўлга қўйиш.

2. Аҳолининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг

самарадорлигини ошириш, хусусан:

иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёшлар учун қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш;

хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар учун қонуний асосда етарли шарт-шароитлар яратиш, жумладан фуқаролар ишлаш учун кўп бораётган давлатлар (Россия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия ва бошқ.) билан икки томонлама келишув битимларини тузиш;

фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини янада ривожлантириш, хусусан фуқаролар ишлаш учун кўп бораётган давлатларда ишга жойлашишда фуқароларга кўмаклашиш билан шуғулланадиган агентликларни ташкил қилиш.

3. Чет элга кетаётган фуқаролар билан олиб борилаётган профилактик ишларни ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан:

махалла фуқаролар йиғинларида чет элга кетаётган фуқароларга чет элга чиқиш ва у ерда ишлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини, одам савдосининг қурбонига айланганда ёрдам кўрсатувчи ташкилотларга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш билан шуғулланувчи ахборот маслаҳат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш;

узоқ муддатга чет элга чиқаётган шахс яшаш ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ҳудудий профилактика инспектори томонидан виктимологик профилактик характердаги якка тартибдаги суҳбатдан ўтказилгандан сўнг, унга бу ҳақида маълумотнома бериш ва ўзини рўйхат ҳисобига олиш тартибини жорий этиш. Шунингдек, узоқ муддатга чет элга чиқаётган шахс ушбу маълумотномани қуйидаги идораларга тақдим этишини мажбурий талаб сифатида белгилаш: ҳаво йўллари орқали чет элга чиқаётганда – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамда унинг тузилмаларига; темир йўллар орқали чет элга чиқаётганда – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси ҳамда унинг тузилмаларига; чегара постлари орқали чет элга чиқаётганда – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини кўриқлаш қўмитаси ва унинг тузилмаларига;

мобил алоқа хизматини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонентларга уларнинг одам савдосининг ижтимоий хавфи ҳақида хабардорлигини оширишга, уларга чет давлатларда ғайриқонуний ва норасмий ишлашнинг оқибатларини тушунтиришга ва огоҳликка даъват этишга қаратилган хабар (SMS)лар тизимли равишда юборилишини йўлга қўйиш.

4. Одам савдосига қарши курашда, хусусан унинг профилактикасида

бўлинмаларини ташкил этиш. Уларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида одам савдоси билан шуғулланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий мамлакатлардаги жиноий шериклари, уюшган гуруҳ раҳбарлари ва бошқа фаол қатнашчиларини Интерпол ва унга аъзо хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, миграция ва бошқа ваколатли органлари билан ҳамкорликда аниқлаш ҳамда уларнинг жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаш чораларини кўришни белгилаш.

5. Одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ҳудудий реабилитация марказларини ташкил этиш.

6. Одам савдоси масалалари бўйича Миллий маърузачи институтини ташкил қилиш, мамлакатда одам савдосининг ҳолати ва унга қарши кураш борасида эришилган натижалар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, уларни миллий ва хорижий матбуотда эълон қилинишини ташкил этиш ҳамда ушбу жиноятга қарши кураш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлашни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш.

7. Одам савдосига қарши кураш муаммоларининг ечимларини топишга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказилишини жадаллаштириш, хусусан қуйидаги мавзуларда докторлик диссертация тадқиқотларини олиб бориш:

«одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш»;

«ғайриқонуний миграцияни ташкил этишга қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий, криминологик ва профилактик жиҳатлари»;

«юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги: жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилиқни такомиллаштириш масалалари».

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида жиноят ҳуқуқи ва криминология назариясини ривожлантириш, одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, мазкур жиноят профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган қуйида келтирилган асосий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. Одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган миллий нормаларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихий-ҳуқуқий таҳлил асосида илк бор ўрганилган. Ушбу нормаларнинг шаклланиши ва ривожланиши даврларга ажратилган ҳамда даврларнинг хусусиятлари аниқланган.

2. Одам савдосининг объекти таснифланган. «Одам савдосининг махсус объекти», «одам савдосининг турдош объекти», «одам савдосининг асосий бевосита объекти», «одам савдосининг қўшимча бевосита объекти», «одам

савдосининг факультатив бевосита объекти» тушунчаларининг таърифи ишлаб чиқилган.

3. Инсон эркинлиги тушунчасига таъриф берилиб, одам савдоси натижасида инсон фаолиятининг қайси соҳаларидаги эркинлиги чекланиши мумкинлиги аниқланган.

4. Одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларни мазмуни очиб берилган. «Одам савдоси», «одамга нисбатан қонунга ҳилоф битимни амалга ошириш», «одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш», «одамни эксплуатация қилиш мақсадида ташиш», «одамни эксплуатация қилиш мақсадида топшириш», «одамни эксплуатация қилиш мақсадида қабул қилиш», «одамни эксплуатация қилиш мақсадида яшириш», «одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш» тушунчаларининг таърифи ишлаб чиқилган.

5. Одам савдосининг янги шакллари – одамга нисбатан қонунга ҳилоф битимни амалга ошириш, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ушлаб туриш аниқланган ва ушбу қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш асосланган.

6. Нафақат жисмоний шахс, балки юридик шахс ҳам одам савдосининг субъекти бўлиши мумкинлиги исботланган.

7. Одам савдосининг субъектив томонини мазмуни очиб берилган. «Одамни эксплуатация қилиш», «шаҳвоний эксплуатация», «мажбурий никоҳ», «мажбурий суррогат оналик», «инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш», «инсон аъзо, тўқима ва/ёки ҳужайраларини ажратиб олиш», «ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш» тушунчаларининг таърифи ишлаб чиқилган.

8. Одамни эксплуатация қилишнинг янги шакллари – мажбурий никоҳ, мажбурий суррогат оналик, инсон устида ғайриқонуний тажрибалар ўтказиш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш аниқланган ва ушбу қилмишлар учун жавобгарлик белгилаш асосланган.

9. Одам савдоси ва одамни эксплуатация қилишнинг барча шакллари (бола савдоси ва болани эксплуатация қилишдан ташқари) учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни жинойт қонунининг битта моддаси (135-м.)да жамлаш асосланган.

10. Одам савдосининг жавобгарликни оғирлаштирадиган янги ҳолатлари (қилмишнинг ҳомиладор аёлга нисбатан, жабрланувчини ожиз аҳволга солиш, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш, товламачилик орқали содир этилиши)ни қонунда белгилаб, жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтириш таклиф этилган.

11. Ўғирлаш орқали, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан, жабрланувчини ЎзРнинг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда содир этилган одам савдосини ушбу жинойтнинг жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлари қаторидан чиқариб, жавобгарликни алоҳида оғирлаштирадиган ҳолатлари қаторига киритиш асосланган.

12. Одам савдосининг жавобгарликни алоҳида оғирлаштирадиган янги

ҳолатлари (қилмишнинг таносил касалликларига ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирусига (ОИВ инфекциясига) чалинишга, баданга оғир шикаст етказилишига, одам ўлишига, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришига, узоқ вақт давомида эксплуатация қилинишига, анча, кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлиши, жиноий уюшма томонидан ёхуд унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши)ни қонунда белгилаб, жавобгарликни дифференциация қилишни кенгайтириш таклиф этилган.

13. Ўғирлаб, зўрлик ишлатиб ёки трансплантат мақсадида содир этилган одам савдоси учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

14. Одам савдоси оқибатида етказилган зарарни ундиришнинг жиноят ҳуқуқий воситаларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ишлаб чиқилган.

15. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш остида жиноят содир этган жабрланувчиларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормани жиноят қонунида белгилаш таклиф этилган.

16. Одам савдосини фош этишга фаол ёрдам берган шахсларнинг жавобгарликка тортилмаслиги ҳақидаги махсус рағбатлантирувчи нормани жиноят қонунида белгилаш таклиф этилган.

17. Жиноят қонунига бола савдоси ёки болани эксплуатация қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида моддани киритиш асосланган. 18. Одам савдосининг аломатларини ўхшаш жиноятлар – одам ўғрилаш, шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш, кўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашнинг аломатларидан фарқли жиҳатлари очиб берилган. 19. Одам савдосини содир этишга мойил бўлган шахслар ва одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг криминологик тавсифи аниқлаштирилган.

20. Одам савдосига имкон бераётган асосий омиллар аниқлаштирилган, тизимлаштирилган ҳамда ушбу омилларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

21. Чет элга чиқаётган фуқаронинг меҳнат шароити ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатига оид нормаларни қонунда мустаҳкамлаш асосланган.

22. Ғайриқонуний миграцияни ташкил этиш учун жавобгарлик белгилаш асосланган.

23. Одам савдосининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари (тушунчаси, чора-тадбирлари, принциплари, субъектлари тавсифи) аниқлаштирилган.

24. Одам савдоси профилактикасининг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК, ОБРАЗОВАННЫЙ НА БАЗЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
НАУК**

**№ 14.07.2016.YU 30.01 ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН АКАДЕМИЯ**

ФАЗИЛОВ ИКРАМ ЮСУПОВИЧ

**УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ**

**12.00.08 – Уголовное право, профилактика правонарушений. Криминология.
Уголовно-исполнительное право
(юридические науки)**

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Ташкент – 2016

35

Тема докторской диссертации зарегистрирована под № 30.09.2014/B2014.3-4.Yu14 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Докторская диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском) размещен на веб-странице разового научного совета (<http://www.dba.uz/uz/content/14072016yu3001-rakamli-ilmiy-kengash>) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный консультант: Исмаилов Исамиддин

доктор юридических наук, профессор

Расмий оппонентлар: Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович

доктор юридических наук, профессор

Бердиев Шоназар

доктор юридических наук

Саттаров Абдугафур Хамидович

доктор юридических наук

Етакчи ташкилот: Высшие учебные курсы Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 28 ноября 2016 года в 14.00 часов на заседании разового научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, образованного на базе научного совета № 14.07.2016.Yu 30.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г.Ташкент, ул. Узбекистанская, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована под № 5). (Адрес: 100003, г.Ташкент, ул. Узбекистанская, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан 12 ноября 2016 года.
(Протокол реестра № 1 от 12 ноября 2016 года).

Г.Р. Маликова
Председатель разового научного совета
по присуждению ученой степени
доктора наук, д.ю.н., доцент

Ж.А. Ньматов
Секретарь разового научного совета
по присуждению ученой степени
